

ILMIY-AMALIY JURNAL

Impact Factor: 5.394

ISSN 2181-0958

DOI 10.26739/2181-0958

YURISPRUDENSIYA

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENCE



7 JILD, 1

2026

YURISPRUDENSIYA

7 ЖИЛД, 1 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 7, НОМЕР 1

JURISPRUDENCE

VOLUME 7, ISSUE 1



Bosh muharrir:
Главный редактор:
Chief Editor:

SALAEV NODIRBEK
O'zbekiston Respublikasi Odil sudlov akademiyasi
professor, Yuridik fanlar doktori.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

RUSTAMBEKOV ISLAMBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti
Yuridik fanlar doktori, professor.

TAHRIRIY HAY'AT A'ZOLARI | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ |

Mas'ul kotib | Ответственный секретарь | Responsible secretary:

DAVRONOV ATOBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti jinoyat-protsessual huquqi kafedrasida o'qituvchisi,
PhD yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori.

KARIMOV FARHOD
Siyosiy fanlar doktori, dotsent,
A. Avloniy nomidagi
Malaka oshirish instituti prorektori;

BAZAROVA DILDORA
Toshkent davlat yuridik universiteti
yuridik fanlar doktori, professor;

IMOMOV NURILLO
Toshkent davlat yuridik universiteti fuqarolik huquqi
kafedrasida mudiri, yuridik fanlar doktori, professor;

KHAIRIEV NODIRJON
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
professori, yuridik fanlar doktori, dotsent;

NEMATOV JURABEK
Toshkent davlat yuridik universiteti
ma'muriy va moliyaviy huquq kafedrasida
dotsenti, yuridik fanlar doktori, dotsent;

ISMAILOV SHUKHRATJON
Toshkent davlat yuridik universiteti mehnat
huquqi kafedrasida mudiri, yuridik fanlar doktori;

KHABIBULLAEV DAVLATJON
Toshkent davlat yuridik universiteti fuqarolik
protsessual va xo'jalik protsessual huquqi kafedrasida
mudiri, yuridik fanlar nomzodi, professor;

OCHILOV KHASAN
Yuridik fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent;

IBROKHIMOV JAMSHID
Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD);

GAFUROVA NOZIMAKHON
Toshkent davlat yuridik universiteti xalqaro
huquq va inson huquqlari kafedrasida mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

NARZIEV OTABEK
Toshkent davlat yuridik universiteti xususiy
xalqaro huquq kafedrasida i.o. professori,
yuridik fanlar doktori;

MUSAEV BEKZOD
Toshkent davlat yuridik universiteti
konstitutsiyaviy huquq kafedrasida mudiri, yuridik fanlar
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

MURATAEV SERIKBEK
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti dotsenti,
yuridik fanlar nomzodi;

KAMALOVA DILDORA
Yuridik fanlar doktori, professor;

YUSUPOV SARDORBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti ma'muriy va
moliyaviy huquq kafedrasida mudiri, yuridik fanlar bo'yicha
falsafa doktori (PhD), yuridik fanlar doktori, dotsent;

KHUJAEVA SHOKHJAKHON
Toshkent davlat yuridik universiteti
intellektual mulk huquqi kafedrasida mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD);

CHORIEVA DILBAR
dotsent, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD).

Page Maker | Верстка | Sahifalovchi: Xurshid Mirzaxmedov

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Kiberjinoyatlarni huquqiy tartibga solish va intellektual mulk va mualliflik huquqini himoya qilishda prokuratura organlarining roli.....	5
Zaynabutdinov Said Axrorbek Ulug'bek o'g'li	
2. Haqiqatni aniqlash prinsipini takomillashtirish masalalari.....	20
Suyunboyev Ixom Oybek o'g'li	
3. Вояга етмаганлар пробацациясида давлат ва жамоат институтлари ҳамкорлиги.....	25
Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич	
4. Dalillarning maqbulligini ta'minlashda tanib olish uchun ko'rsatish tergov harakatining ahamiyati.....	35
Ummatov Muhammadrasul Tursunovich	
5. Oilani mustahkamlash asoslari.....	43
Chuboyeva Ozodaxon Kuvonbekovna	
6. International legal aspects of the development of the trans-afghan transport corridor.....	49
Muhammadjonov Xojiakbar A'zamjon O'g'li, Firuza Khamdamova	
7. Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг юридик табиати.....	63
Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович	
8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш этиш ва таъминлаш шакллари ва ўзига хос хусусиятлари.....	66
Якубов Мирзахид Турабаевич	
9. The Arbitration Agreement under Uzbek Law: Consent, Form, and the Limits of Party Autonomy.....	72
Nodirkhon Malikov	
10. Jamiyatda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda ijtimoiy va huquqiy normalarning o'rni.....	86
Abdullayeva Firuza Sharipovna	
11. O'zbekiston Respublikasida kompyuter texnologiyalari vositasida sodir etiladigan jinoyatlarni oldini olishning huquqiy jihatlari.....	95
Ibroximova Malikaxon Alijon qizi Farruh Tashev Muzaffarovich	

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20178011>

Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Телефон: +998900112216

E-mail: amrilloxon47@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада терроризм билан боғлиқ бўлган, хусусан, терроризмнинг замонавий кўринишларидан бўлган кибертерроризм, ахборот технологиялардан фойдаланиб терроризмни содир этиш учун шахсларни ёллаш ҳамда атротранспорт воситаси ёрдамида содир этиладиган террорчилик хуружлари, шунингдек, террорчи гуруҳларнинг Интернетнинг замонавий имкониятларидан фойдаланишлари механизми ва уларнинг юридик табиати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: терроризм, кибертерроризм, мессенджер, кибермакон, end-to-end encryption, онлайн-платформалар, Darknet, инфотеррор, онлайн-ўйинлар.

ЮРИДИЧЕСКАЯ ПРИРОДА ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ТЕРРОРИЗМОМ

Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович

Соискатель Университета общественной безопасности

Аннотация. В данной статье рассматриваются преступления, связанные с терроризмом, в частности такие современные его проявления, как кибертерроризм, вербовка лиц для совершения террористических актов с использованием информационных технологий, а также террористические атаки, совершаемые с применением автотранспортных средств. Кроме того, раскрывается механизм использования террористическими группами современных возможностей сети Интернет и анализируется их юридическая природа.

Ключевые слова: терроризм, кибертерроризм, мессенджер, киберпространство, end-to-end encryption, онлайн-платформы, Darknet, инфотеррор, онлайн-игры.

THE LEGAL NATURE OF TERRORISM-RELATED CRIMES

Najmitdinov Nodirkhan Amrillokhanovich

Degree-Seeking Researcher at the University of Public Security

Abstract. This article examines crimes related to terrorism, in particular such modern manifestations as cyberterrorism, the recruitment of individuals for the commission of terrorist acts using information technologies, as well as terrorist attacks carried out using motor vehicles. In addition, the article reveals the mechanisms by which terrorist groups use the modern capabilities of the Internet and analyzes their legal nature.

Keywords: terrorism, cyberterrorism, messenger services, cyberspace, end-to-end encryption, online platforms, Darknet, information terrorism (infoterrorism), online games.

Терроризм жаҳон хавфсизлиги, давлат суверенитети ва ижтимоий барқарорликка нисбатан энг кескин кўпвекторли таҳдидлардан бири сифатида эътироф этилади; у фақат анъанавий қуроли зўравонлик билан чекланмай, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ҳам динамик равишда шаклланмоқда. Бу эса “кибертерроризм” атамаси ва унинг ҳуқуқий, технологик ва жиноий жиҳатларини янада аҳамиятли қилиб қўяди. Замонавий рақамли технологиялар террористик ташкилотлар учун янги фронт яратиб, уларга ахборот тарқатиш, ёллаш, молиялаш, ўзаро алоқа қилиш ва ҳатто террористик хуружларни амалга ошириш имкониятини яратмоқда.

«Терроризм ўта мураккаб жиноий ҳодиса бўлиб, деярли барча давлатлар қонунлари билан ҳимояланган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилмоқда»[1]. «Терроризмнинг ҳозир оламшумул муаммо сифатида баҳоланиши, шубҳасиз, бежиз эмас, зеро бу ҳодиса борган сари кучайиб бормоқда ҳамда асосли равишда энг хавфли, башорат қилиш қийин бўлган, кўп қиррали, кун сайин хилма-хил шаклларга кираётган ҳодисалардан бири деб тан олинмоқда»[2].

Терроризм жиноятининг тушунчаси миллий қонунчилигимизда Ўз.Р. ЖКда, Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ҳамда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларида белгилаб берилган.

Хусусан, ЖК 155-моддасига кўра, терроризм – «халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди».

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ эса, «терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан

тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлардир»[3].

Баён этилганлардан келиб чиқиб, терроризмни жиноий-ҳуқуқий тушуниш ЖК 155-моддасининг таркиби билан чекланиб қолмайди, шу боис ушбу муаммони кўриб чиқишда ЖКда мавжуд бўлган, кўп жиҳатдан мазкур моддада келтирилган жиноятга ўхшаб кетадиган ҳамда терроризм билан бевосита боғлиқлигидан далолат берувчи белгиларига эга бўлган бошқа бир қатор турдош жиноят таркибларини таҳлил қилмаслик мумкин эмас.

Ҳозирги кунда террористик актларнинг янги тури, яъни замонавий рақамли технология имкониятларидан фойдаланувчи “кибертерроризм” вужудга келди.

Кибертерроризм — бу рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган террористик фаолият бўлиб, унинг асосий мақсади — жамиятда қўрқув уйғотиш, муҳим инфратузилмаларга зиён етказиш ва сиёсий, ижтимоий ёки диний мақсадларга эришишдир.

Халқаро таърифларга кўра, хусусан АҚШ Федерал Тергов Бюроси “кибертерроризм - маълумот технологияларидан (айниқса, компьютер тармоқларидан) фойдаланиб, зўравонлик ва бузғунчилик ҳаракатларини амалга ошириш” деб таъриф берса, НАТО ва БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси кибертерроризмни “ахборот тизимларига қасддан қилинадиган ва фалокат келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳужумлар” сифатида баҳолайди.

Хусусан, террористик ташкилотлар Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб YouTube видеохостинги, Telegram мессенджери, Darknet форумларида ўз ғоявий тарғиботини олиб боради, видео, блог ва аудиолар орқали ёшларни жалб этиб, ўзининг сафига янги аъзоларни ёллаш билан шуғулланиши ҳеч кимга сир эмас.

Шу билан бирга, террористик ташкилотлар рақамли муҳитдан фақат киберҳужум эмас, балки фаолиятини мувофиқлаштириш учун шифрланган (end-to-end encryption) платформалари ҳисобланган WhatsApp, Signal, Telegram, Threema ва бошқа шифрланган мессенжерлар ёрдамида ўзаро алоқа қилишиб, Интернетдаги фаол ўқув-ташвиқот материаллари, яъни портловчи моддалар, қўлбола қуролларни тайёрлаш ва диверсия бўйича ўқув видео-маърузалар тайёрлаб намоиш этиш билан бирга сохта ахборот тарқатиш орқали одамлар онги психологик таъсир (инфотеррор) ўтказишади.

Глобал Интернет тармоғи доимий равишда такомиллашиб бормокда, унда янги сервислар ва улкан микдорда маълумотлар пайдо бўлмокда. Бу нафақат жаҳон ҳамжамияти ривожини учун кўшимча имкониятлар яратади, балки бир қатор янги глобал таҳдидларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлмокда[4].

Террористик ташкилотлар ва гуруҳлар Интернетдан фаол равишда алоқа ва маълумот алмашиш, тарғибот олиб бориш, янги аъзоларни ёллаш ҳамда бузғунчилик фаолиятини ташкил этиш мақсадида фойдаланмоқдалар. Шу тариқа, XX аср охирида ахборот технологиялари соҳасида мутлақо янги бир ҳодиса – ўз мақсадларига эришиш учун электрон тармоқлар ва энг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланадиган компьютер кибертерроризми пайдо бўлди.

Кибертерроризм тушунчаси остида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи ноқонуний ҳаракатлар мажмуаси тушунилади. Бу ҳаракатлар моддий объектларга зарар етказиш, объектив маълумотни бузиб кўрсатиш ёки сиёсий, иқтисодий ёхуд ижтимоий мақсадларга эришиш учун устунликка эга бўлишни кўзлаган бошқа турдаги ҳаракатларни ўз ичига олади[5].

Ўз мақсадларига эришиш учун кибертеррористлар махсус дастурий таъминотдан фойдаланадилар, у рухсатсиз кириш учун мўлжалланган бўлиб, улар компьютер тизимларига кирадилар ва қизиқтирган объектларининг ахборот ресурсларига масофадан туриб ҳужумлар уюштирадилар.

Бу ҳужумлар компьютер дастурий “белгилар” ва вируслар орқали амалга оширилиши мумкин, жумладан тармоқ вируслари орқали ҳам, улар маълумотни ёзиб олиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш билан шуғулланадилар. Шунингдек, “манتيкий бомбалар”, троян дастурлари ва ахборот қуролининг бошқа турлари ҳам шулар жумласидандир.

Кибермаконда киберҳужумни амалга ошириш учун турли усуллар қўлланилиши мумкин:

- давлат ва ҳарбий сирларга, банк ҳамда шахсий маълумотларга рухсатсиз киришни олиш;
- ахборот маконининг алоҳида жисмоний элементларига зарар етказиш, масалан, электр таъминоти тармоқларини вайрон қилиш, ҳалақит бериш, махсус дастурлардан фойдаланиш, аппарат воситаларини бузиш;
- ҳимоя тизимларини енгиб ўтиш, вирусларни жорий этиш ва шунга ўхшаш усуллар орқали маълумотлар, дастурлар ва техник ресурсларни ўғирлаш ёки йўқ қилиш;
- дастурий таъминотга ва маълумотга таъсир кўрсатиш;
- махфий маълумотни ошкор қилиш ёки уни нашр этиш билан таҳдид қилиш;
- дезинформация тарқатиш, террористик ташкилотнинг кучини намоиш қилиш ва талабларини эълон қилиш мақсадида ОАВ каналларини эгаллаб олиш;
- алоқа линияларига зарар етказиш ёки уларни фаол равишда босқичма-босқич босиш, нотўғри манзилга йўналтириш, коммуникация тармоқларини ортиқча юклаш;
- ахборот-психологик операцияларни ўтказиш ва бошқалар.

Ушбу усуллар компьютер тармоқлари дастурчилари томонидан қўлланилаётган ҳимоя воситаларидан келиб чиққан ҳолда доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда кибертерроризм муаммолари йўлдош алоқа тизимлари ва глобал тармоқлардан кенг фойдаланувчи давлатлар учун айниқса долзарб ҳисобланади. Мутахассислар фикрига кўра, кибертерроризм — бу инсоният учун жиддий таҳдид бўлиб, унинг таъсирчанлиги оммавий кўрқинч туғдирувчи қурооллар билан таққосланади[6].

Замонавий терроризмнинг яна бир кўринишларидан бирига ИШИД халқаро террористик ташкилоти томонидан турли давлатлар ҳудудида автотранспорт ёрдамида одамларнинг гавжум бўлган жойга катта тезликда ҳайдаб босиб ўтишда намоён бўлмоқда. Терроризмнинг ушбу шакли ташкилотнинг ижрочисини олдиндан аниқлашнинг имконини деярли қолдирмайди ҳамда ундан қуроол-аслаҳа ёки портловчи воситалар билан муомала қилиш учун махсус тайёргарликни талаб этмайди. Ижрочи томонидан юқорида қайд этилган алоқа воситалари ёрдамида ташкилотнинг раҳбаридан олинган “буйруқ”қа асосан ўзига тегишили бўлган ёки ижарага олинган йўлтанламас, юк ташувчи ва шунга ўхшаш катта от кучига эга бўлган автотранспорт воситасидан жинойт қуроли сифатида фойдаланиб одамларнинг устидан ҳайдашни режалаштиради.

Бундай террорчилик ҳаракатларига мисол сифатида **Стокгольмдаги ҳужум (2017 йил)**: шаҳар марказида юк машинаси ҳайдовчиси атайин одамлар тўпланиб турган гуруҳга кириб борган. Натижада кўплаб одамлар ҳалок бўлган ва яраланган; **Вестминстер кўпригидаги ҳодиса (Лондон, 2017 йил)**: террорист автомашина билан кўприкдаги пиёдаларни босиб ўтган, кейин эса машинадан тушиб одамларга пичоқ билан ҳужум қилган; 2016 йилда Берлиндаги Рождество ярмаркасида одамларга ҳужум қилиш каби воқеалар ҳам транспорт воситаларидан оммавий қуроол сифатида фойдаланилган террорчилик ҳаракатларига киради.

Йўл автотранспорт ҳодисаси орқали террорчилик ҳаракатининг белгилари:

- **Автомобилдан фойдаланиш:** автомашина ёки бошқа транспорт воситаси жинойт қуроли сифатида ишлатилади.
- **Оммавийлик:** ҳужум одамлар тўпланадиган жойларда ёки кўп сонли одамлар иштирок этадиган ҳудудларда амалга оширилади.
- **Кўрқитиш ва зўравонлик:** асосий мақсад — жамиятни кўрқитиш ва кенг кўламдаги ваҳима уйғотиш.

Умуман олганда, транспорт воситаларидан ҳужум қуроли сифатида фойдаланиш террорчилар орасида охириги 10 йил ичида кенг тарқалган усул қаторига кирди.

Терроризм жинойтининг предмети сифатида моддий бойлик ва бошқа моддий объектлар, масалан, кўп қаватли турар жойлар, темир йўл вокзаллари, аэропортлар, автостанциялар, электропоезд, метрополитенлар, маданият саройлари, сув ва иссиқлик энергияси таъминоти тармоқлари, ядровий объектлар ва бошқалар эътироф этилиши мумкин.

Юридик адабиётларда қайд этилишича, юридик ёки жисмоний шахсларга мулкида бўлган моддий дунё нарсалари, мулкчилик шаклидан қатъий назар,

хизмат ёки турар-жой бинолари ёки халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахсларнинг транспорт воситалари терроризмнинг предмети бўлиб ҳисобланади[7].

Террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун ўқувдан ўтиш ёки террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш мақсадида шахсларни ёллаш деганда, террорчиликни ўргатиш ва мавжуд фаолият билан шуғулланиш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиш учун мос келадиган шахсларни излаб топиш тушунилади. Ёллаш усуллари жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас ва улар ҳар хил бўлиши мумкин (катта пул, бошқа моддий бойликларни ваъда қилиш, чет эл мамлакатларида ишга жойлаштиришни ваъда қилиш ва ҳ.к.). Ёллаш оғзаки, ёзма равишда келишиш, варақаларда, Интернет орқали чорловлар, шахснинг террорчилик фаолиятида иштирок этиш шартларини келишиш йўли билан амалга оширилади[8].

Генри Эрнст таъкидлаганидек, «агар террорчиларнинг қандайдир ижтимоий қўллаб-қувватлови бўлмаганида, улар олиб бораётган ишлар ва йўқотишлари шароитида, уларнинг ташкилотлари аллақачон тарқалиб ёки йўқ қилинган бўлар эди. Аслида эса, улар доимий равишда ўз сафларини тўлдириб, ҳатто айрим жойларда кенгайиб бормоқда»[9].

Бундан ташқари, терроризм ҳодисаси жуда тез ривожланиб, ҳар куни янги хусусият ва сифатларга эга бўлмоқда. Рақамли жамиятда террорчилар оммавий онгга таъсир ўтказиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланмоқда. Айни пайтда мавжуд бўлган масофавий коммуникация воситаларининг кенг спектри вайронкор ғояларни тарқатиш, махсус тайёрланган контентни жамиятга етказиш учун чекланмаган имкониятлар яратмоқда.

Интернет ресурслари, ижтимоий ва файл алмашиш тармоқларининг оммабоплиги нафақат ахборот олиш, балки уни миллионлаб аудитория билан дарҳол бўлишиш имкониятини ҳам бермоқда. Аслида бу ерда ахборот макони мустақил «жанг майдони» сифатида танланганлигини кузатиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёшларнинг 84 фоизи халқаро террорчилик ташкилотлари сафига Интернет тармоғи орқали жалб қилинган (уларнинг 47 фоизи тармоқларда жойлаштирилган видео ва матн материалларига тасодифан эътибор берган, 41 фоизи сайтларни кўздан кечириш жараёнида қизиқиш билдирган, 12 фоизи эса диний билим олиш мақсадида онлайн кўрсатмалардан фойдаланган).

Кўп ҳолларда радикал ғояларнинг тарғиботи ва ёшларнинг ёлланиши асосан ғарб мамлакатларида оммалашган ижтимоий тармоқлар — Facebook, “ВКонтакте”, Twitter ва YouTube орқали амалга оширилади.

Интернетдаги бундай салбий тенденциялар Сурия Араб Республикаси ҳудудидаги инқироз ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 26 сентябрь кундаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолияти тақиқланган деб топилган «Ислом давлати» халқаро террорчистик ташкилоти

фаоллашуви ортидан янада кучайди. Айнан шу ташкилот Интернет орқали янги аъзоларни жалб этиш ва терроризм ғояларини тарғиб қилиш бўйича мақсадли ишларни амалга ошириш учун блогерлардан иборат маъмурий тузилмаларни биринчи бўлиб яратган ташкилотлардан бири бўлди.

«Ислом давлати» ташкилотининг асосий хусусияти — бу ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланишидир. Ҳозирги вақтда Интернетда тарқатилаётган материалларнинг 80 фоизидан ортиғи Ироқ ва Сурия худудида фаолият юритаётган террорчилик гуруҳларига тааллуқли. Бугунги кунда таъкидлаш жоизки, айнан ижтимоий тармоқлар ёрдамида «Ислом давлати» ёлловчилар дунёдаги қарийб юзта мамлакат фуқароларини ўз сафига жалб этишга муваффақ бўлди ва бу рақам ҳанузгача ортиб бормоқда.

Ёллаш усули жуда содда бўлиб, ёлловчи шахслар томонидан профессионал видео материаллар тайёрланиб ва тарқатилади, уларда жангчиларнинг гўзал қасрлар ва қимматбаҳо машиналар фонидаги суратлари намойиш этилади, гўёки улар фаровон ҳаёт кечираётгандек кўрсатилади. Бундай видеоларнинг асосий мақсади — қизиқувчан ёшларни қизиқтириш, уларни “савол–жавоб” шаклида мулоқотга тортишдир.

Ёшларни жалб этиш мақсадида ёлловчилар муваффақиятли ҳарбий амалиётлар сахналарини ҳам фаол тарқатадилар. Бу видеолар орқали жангчиларнинг жасурлиги ва “қаҳрамонлиги” тарғиб қилинади, ёшлар эса “ғоялар учун қурол билан курашиш”га чақирилади. Аслида, бу тарғибот орқали ёшларга шундай ғоя сингдирилади: *“Бефарқ бўлма, бизга қўшил ва бизнинг биродаримиз бўл”*.

Диндор ёшлар қатлами билан иш олиб бориш жараёнида ёлловчилар диншунослик соҳасидаги чуқур билимларини маҳорат билан намоён этадилар ва шу орқали ёшларнинг ишончини қозониб, “шаҳид”, “жиход” каби диний тушунчаларнинг ҳақиқий маъносини атайлаб бузиб кўрсатишади.

Бундай ғоявий таъсир остида қолган инсон, аслида, ўз хатти-ҳаракатлари ҳақида чуқур ўйламайди ва ёлловчиларнинг изидан кўр-кўрона эргашади. Фақат кеч бўлганда, яъни у террорчилик фаолиятига тортилиб бўлганидан сўнг, ўз хатосини англай бошлайди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг шиддатли ривожланиши ва очилаётган янги техник имкониятлар террорчилик гуруҳлари бошлиқлари ва ёлловчилари эътиборисиз қолмайди; улар бундай усулларни ички мулоқот, ёллов фаолияти, молиялаштириш ва бошқа вазифаларни ҳал этиш учун хавфсиз ва ишончли восита сифатида қарашади.

Телефон каналлари, ижтимоий тармоқлар ва почта серверларини махсус хизматлар томонидан техник назорат қилиниши хавфидан кўрқиб, террорчилар кўпроқ хавфсиз ва деярли кузатиб бўлмайдиган глобал онлайн-ўйинлар тармоғига ўтишмоқда — бу тармоқ 2024 йил кўрсаткичларига кўра бутун дунё бўйлаб 3,32 миллиарддан ортиқ фойдаланувчиларни қамраб олган[10].

Ушбу усулнинг афзаллиги — бу ёпиқ гуруҳ иштирокчилари ўртасида таҳаллуслардан фойдаланган ҳолда шахсий мулоқот қилиш имкониятидир.

Шу билан бирга, ҳамфикрлар билан ёзишмалар жараёнида ўйиннинг ўзига хос терминларидан иборат махсус жаргон ишлатилади.

Бугунги кунда энг оммавий ва кўп фойдаланувчига эга онлайн ўйинлар куйидагилар ҳисобланади: **World of Warcraft** (150 миллиондан зиёд аккаунт), **World of Tanks** ва **Мир Танков** (80 миллион), **Clash of Clans** (36 миллион), **Lineage** (30 миллион), **Call of Duty** (22 миллион), **Warcraft-3** (10 миллион), **Clash of Kings** (8 миллион), **Dota-2** (7 миллион)[11].

АҚШ Миллий Хавфсизлик Агентлиги (АНБ) маълумотларига кўра, 2015–2016 йилларда Францияда содир этилган терактларда иштирок этган “Ислом Давлати” террорчилик ташкилоти аъзолари ўзаро алоқа қилиш учун **Call of Duty** онлайн-ўйинидан фойдаланишган.

Террорчилар ўртасидаги музокараларни кузатиб боришнинг иложи бўлмаган, чунки улар виртуал оламда хабар алмашиб, сўзларни деворларга ўқ изларининг тезда йўқолиб борадиган шаклда ёзиб қолдиришган.

Бундан ташқари, «Ислом Давлати» аъзолари онлайн ўйинларда янги одамларни ёллашган. Бунинг учун «йўналтирувчилар», «мотиваторлар» ва «ёлловчилар» гуруҳлари фаол ишлашади. «Йўналтирувчилар» осон таъсирланадиган «геймер»ларни излаб, улар ҳақидаги маълумотни «мотиваторлар»га узатишади. Мотиваторлар эса ўйинчининг характеридаги заиф томонлари, қизиқишлари ва севимли машғулотларини ўрганиб, уни жалб қилиш учун мос мотив топади. Кейин, «ёлловчи» ишга тушиб, тўпланган маълумотлар асосида ўйинчининг ишончини қозониб, аста-секин уни диний экстремистик ташкилот ва халқаро террористик ташкилот ғояларига йўғрилган ғоявий таъсир ўтказди. Бунда диний атамалардан фойдаланиб, гўёки муқаддас китоблардан далиллар келтиради ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишни ваъда қилади.

Буюк Британиянинг ҳуқуқ тартибот идоралари томонидан қўлга олинган «Ислом Давлат» террористи Шоҳид Батт кўрсатувларига кўра, Сурия ҳудудида жанг қилаётган жангчиларнинг аксарият қисми **World of Tanks** ва **Grand Theft Auto** онлайн платформаларида ёлланишган.

Ёлловчиларнинг кўзга ташланган «геймер»ларга экстремистик сайтларга ўтиш учун ҳаволалар таклиф қилинган — бу сайтлар «Ислом Давлати» хакерлари томонидан яратилган ва уларда террористик видеороликлар жойлаштирилган. Натижада, «геймер»га виртуал дунёдан ҳақиқий дунёга ўтиш таклиф қилинган: у ерда ўйинда ўрганган кўникмаларини амалиётда муваффақиятли қўллаши мумкин бўлган.

Бу борада кўплаб хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари онлайн-ўйинлардан келиб чиқадиган таҳдидларни аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўрмоқдалар. Хусусан, Британияда онлайн-ўйинларда террористларни аниқлаш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилган. Уларнинг асосий вазифаси — террористик фаолиятда иштирок этишда гумон қилинган фойдаланувчиларнинг аккаунтларини кузатиш ва блокировка қилишдан иборат.

Мутахассисларнинг баҳолашича, диний экстремистик ва халқаро террористик ташкилотларнинг вакиллари томонидан онлайн-ўйинлардан фойдаланиш уларга бутун дунё бўйлаб тарафдорлар сонини ошириш имконини беради, чунки улар масофадан туриб мафкуравий таъсир кўрсатишади, шу жумладан Ўзбекистон фойдаланувчиларига ҳам. Бунинг сабаби шундаки, ёшларнинг катта қисми вақтининг кўп қисмини компьютер ўйинларига сарфлайди, шу билан бирга жангчилар дунёнинг турли ҳудудларида эҳтимолий бузғунчилик ҳаракатларини мувофиқлаштириш имкониятига эга бўладилар[12].

Буларнинг барчаси терроризмнинг замонавий кўринишлари билан курашиш чораларини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади.

Амалдаги ЖКнинг 155-моддасида террорчилик ҳаракатлари тушунчаси умумий тарзда ёритилган бўлиб, ахборот технологиялари воситасида, хусусан Интернет ёки компьютер тизимларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳаракатлар аниқ кўрсатилмаган. Бу эса кибертеррористик ҳатти-ҳаракатларни жиноят таркиби сифатида тўғри баҳолашда қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ушбу моддага **кибертерроризм – яъни компьютер тизими, тармоқлари ёки глобал интернет тармоғи орқали террорчилик ҳаракатларини содир этиш ҳолатини алоҳида оғирлаштирувчи банд сифатида қиритиш** мақсадга мувофиқ. Бу таклиф мавжуд миллий қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқни бартараф этади ва замонавий хавф-хатарларга қарши ҳуқуқий жавобни кучайтиришга хизмат қилади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2002. – Б. 152.
2. Миньковский Г.М., Ревин В.П. Характеристика терроризма и некоторые направления повышения эффективности. – Борьбы с ним // Государство и право. – 1997. – № 8. – С. 84-91; Антонян Ю.М. Терроризм. Криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., 1998; Салимов К.Н. Современные проблемы терроризма. – М., 2000 ва б.қ.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 167-П-сонли “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 1-2-сон, 15-модда.
4. Plotnek, J. J., & Slay, J. (2021). Cyber-terrorism: A homogenised taxonomy and definition. *Computers & Security*, 102, 102145. <https://doi.org/10.1016/j.cose.2020.102145>
5. Al Mazari, A., Anjariny, A. H., Habib, S. A., & Nyakwende, E. (2018). Cyber terrorism taxonomies: Definition, targets, patterns, risk factors and mitigation strategies. In K. Al-Begain, M. Zak, W. Alosaimi & C. Turyagyenda (Eds.), *Cyber Security and Threats: Concepts, Methodologies, Tools and Applications* (pp. 608-621). IGI Global.

6. Субъекты экстремистской деятельности в государствах-участниках СНГ: Новые тенденции и технологии противодействия. Аналитический обзор. М., 2021, - С. 44-48.

7. Емельянов В.П. Терроризм и преступления с признаками терроризирования: уголовно-правовое исследование. – СПб.: Юридический центр пресс, 2002. – С. 91.

8. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Т.2. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – Б.328.

9. Эрнст Г. Против терроризма. М.: Издательство агентства печати «Новости», 1982. С. 8.

10. <https://inclient.ru/video-games-stats/>

11. Шу ерда.

12. Office of the Director of National Intelligence (ODNI). (2023, October 24). *Terrorist Exploitation of Online Gaming Platforms* (JCAT First Responder's Toolbox).

YURISPRUDENSIYA

7 ЖИЛД, 1 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 7, НОМЕР 1

JURISPRUDENCE

VOLUME 7, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000